

## Ҳайит намозига бориш



09:00 / 19.04.2023 4004

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит бўлса, (бориш ва қайтиш) йўлларини бошқа-бошқа қилардилар (яъни ибодат ўринлари кўпайиши учун бир томондан бориб, иккинчи томондан қайтардилар).

Имом Бухорий ривоятлари.

**Фойда:** Имом Нававий зикр қилишларича, йўлни ўзгартиришдаги ҳикматлар ибодатни кўпайтириш ёки Қиёматда иккита йўлни гувоҳлик бериши ёки Аллоҳни зикри таралиши ёки камбағалларга садақа улашиш учун ёки мунофиқларни ғазабини қўзғаш учун ёки раҳматга етишиш мақсадида бўлади.